

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ

5340200-“Менежмент” йўналиши кундузги бўлим IV курс, МЖ–465 гуруҳ
талабаси **Каримов Элдорнинг** “Технологиянинг бозорга чиқиши - инновация
фаолиятининг натижаси сифатида” мавзусида

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: “Менежмент» (тармоқ ва соҳалар
бўйича) таълим йўналиши битирувчи IV -курс
талабаси **Каримов Э.**

РАҲБАР:
Х.Абдиназаров “Менежмент”
кафедраси ассистенти

Курс иши кафедрада химоядан ўтди
_____ сонли баённома « _____ » _____ 2014 й.

ҚАРШИ – 2014 йил

**МАВЗУ: ТЕХНОЛОГИЯНИНГ БОЗОРГА ЧИҚИШИ - ИННОВАЦИЯ
ФАОЛИЯТИНИНГ НАТИЖАСИ СИФАТИДА.**

МУНДАРИЖА.

КИРИШ

**I-БОБ. ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ БОЗОРГА ЧИҚИШДАН ОЛДИНГИ
БОСҚИЧЛАРДА ЛИЦЕНЗИЯНИНГ ЎРНИ.....**

1.1. Лицензия савдоси, лицензия бўлимлари, лицензия агентликлари ҳақида
тушунчалар.....

1.2. Фоизли мулоқотни ҳисоблаш принциплари

II-БОБ. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ.

2.1. Тижорат хавф – хатари.....

2.2. Инновацион фаолиятнинг ички ва ташқи харажатлари.....

III-БОБ. ЯНГИ МАҲСУЛОТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ.....

3.1. Янги маҳсулотнинг мустаҳкамлик даражаси.....

3.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни баҳолаш.....

3.3. Янги маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш кўрсаткичлари.....

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

КИРИШ

Бизга маълумки, маҳсулог сифатини ёки хизмат сифатини ўзгартириш – ресурслар сарфланишини (энергия, вақт, молия ва бошқалар) талаб қилади.

Янгиликни (новация) киритиш жараёнига (инновация) ўтказиш жараёни ҳам ҳар хил ресурсларни талаб қилади, улардан муҳими инвестиция ва вақт ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатлар тизимига ўхшаш бозор шароитларида товарларнинг хариди ва сотуви рамкасида шаклланадиган талаб, таклиф ва нархларда, асосий инновацион фаолият компоненти сифатида янгилик, инновация – янгилик киритиш намоён бўлади.

Янгиликлар бозорни шакллантиради, инвестициялар капитал бозорини, янгилик киритиш эса бозордаги соф рақобатни шакллантиради.

“Бугун Ўзбекистон – фақат жуда бой табиий ҳомашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дуёда янги сийсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жуғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жуғрофий – сиёсий ва жуғрофий – стратегик қизиқиш уйғотади”¹.

Янгиликлар бозорининг асосий маҳсулоти бўлиб, интеллектуал фаолиятнинг илмий ва илмий техникавий натижа продукти ҳисобланади. Унга муаллифлик ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар тааллуқлидир.

Янгиликлар бозори – илмий ташкилотлар, вақтинчалик илмий жараёнлар, илмий ходимларнинг уюшмалари, тижорат ташкилотлари, мустақил илмий лабораториялар ва бўлимлар, миллий ва анъанавий янгилик яратувчиларни шакллантиради.

Бозор талабини ўрганиш зарурлиги, янгиликлар яратиш ва ишлаб чиқаришнинг талабга эга бўлиб, янги маҳсулотларга мослашиши инновацион жараённинг мустақил босқичи сифатида юзага чиқади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI – аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон – 1997 й.

Инновацион жараён – алоҳида босқичлар мажмуидан иборат бўлиб,

технология, техник ғояни илмий ишлаб чиқариш, уни саноатда файдаланиш даражасига олиб бориш, янги маҳсулотни олиш, уни тижоратлаштиришга ва умумий жараённинг самарадорлигини ҳамма босқичлар бир бутун ҳолда мужассамлашганлигига боғлиқ.

Инновацион жараёнлар ишлаб чиқарувчиларнинг жами илмий – техника, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятига сингиб кетадиган жараён сифатида баҳоланиши керак ва у охир оқибат истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилиши, яъни бозорга йўналтирилган янгиликни жорий этиш билан боғлиқ ҳамма босқичлари муҳим аҳамият касб этиши лозим.

Инновацион жараённинг барча босқичлари ўзига хос меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув, молиялаш, кадрлар билан таъминлаш усуллари талаб қилади.

I-БОБ. ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ БОЗОРГА ЧИҚИШДАН ОЛДИНГИ БОСҚИЧЛАРДА ЛИЦЕНЗИЯНИНГ ЎРНИ

1.1. Лицензия савдоси, лицензия бўлимлари, лицензия агентликлари ҳақида тушунчалар

Технология бир мамлакат ичида қандай узатилса, худди шундай халқлараро узатилиши мумкин.

Лицензия савдоси – халқаро савдонинг асосий шаклини намоён этади. У “ноу-хау” битимини ихтирога патенти билан ўз ичига олади. Бундан ташқари “ноу-хау” бўлмаса ҳам патентдан фойдаланиш ҳукуқи берилган лицензия бўлиши ҳам мумкин.

Лицензия савдосининг тез ривожланишига сабаб лицензия операцияларининг юқори даромадлилигидир. Бунга сабаб уларда хавф-хатарнинг тўғри инвестрланганга нисбатан камлиги. Лицензияларни ташқи бозорда сотуви турличадир. Саноат фирмалари лицензияси сотуви операциясини жорий қилиши учун лицензия (патент) бўлимлари, хорижий лицензиялаш бўлимларини очганлар.

Катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи ва ўз кашфиётларини патентловчи йирик компанияларда лицензия бўлимлари тузилган бўлиб, қуйидаги функцияларни бажарадилар.

Лицензия бўлимлари – (патент бўлимлари) орқали лицензия сотуви операциялари бажарилади.

– патентлари ва лицензиялар сотувини ўрганиш;

- маълумотларни йиғиш ва техник хизмат, ишлаб чиқариш бўлимлари ва иқтисодий хизмат бўлимларига кўрсатиш (етказиш);
- лицензия сотиб олмоқчи бўлган фирмаларни аниқлаш;
- патент ҳимоясини таъминлаш ўзининг илмий изланишлар ва техникавий ютуқлари бўйича;
- патенти ва лицензиялар бўйича олди-сотди операциясини ўтказиш.

Лицензия бўлимлари ходимлари лицензия берилиши керак бўлган маҳсулотларни ўрганиш учун корхоналарга боришлари мумкин, шу ерни ўзида корхонанинг хом ашёга, материалга, дастгоҳларга, малакали ишчи кучига муҳтожлигини, корхонанинг аҳволини, ишлаш усуллари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини аниқлашлари мумкин.

Патент ва лицензия сотувида воситачилар бўлиб патент ёки лицензия агентлари (броккерлар) ҳисобланадилар. Уларнинг хизматларидан яккахон патент эгалари, кичик ва ўрта фирмалар, ҳамда катта масштабда бўлмаган илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи йирик фирмалар фойдаланилади.

Лицензия сотувчи ва уни сотиб олувчи орасидаги музокарани бир томондан агентлар билан, иккинчи томондан лицензия агентлигининг битими билан бошқарилади.

Лицензия сотиб олувчи билан даврий фоизли ёки жорий мулоқот маълум белгиланган ставкаларда (фоизларда) олиб борилади ва у маълум вақт оралиғида тўланади (ҳар йили, ҳар кварталда, ҳар ойда).

1.2. Фоизли мулоқотни ҳисоблаш принциплари

Фоизли мулоқотни ҳисоблаш принципи қуйидагича:

- лицензия орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулот қийматидан;
- лицензияланган маҳсулотнинг сотилган пулидан.
- ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулотни бир донасидан унинг баҳосига ёки таннархига нисбатан фоиз ҳисобида.

Лицензия битимида лицензия сотиб олувчига минимал суммали мукофот ҳақида келишув киритилиши мумкин. Жорий ставканинг фоизи 2 дан 10%гача бўлиши мумкин. Кўпроқ 3-5% ли ставкалар учрайди.

Битимда қатъий белгиланган лицензия мукофоти (паушальный платеж) тўлови дейилади. Бу тўлов қуйидаги ҳолларда ўрнатилади:

- лицензияни беришда дастгоҳни олиб бориш (бу битим фақат бир марта бўлади);

– ишлаб чиқаришнинг махфий томони бўлса. (овоза бўлмаслигига кафолат берилгандек).

Лицензия сотиб олувчининг мамлакатада фойдани жўнатишда қийинчиликлар бўлса ва ҳ.к.

Тинчлантирувчи тўлов фақат бир марта берилади, масалан, 50 % битим имзоланганидан сўнг; 40% - дастгоҳни олиб борилганидан сўнг, 10 % дастгоҳни ишга туширилганидан сўнг.

Лицензия сотиб олувчининг лицензиядан фойдаланганидаги амалий фойдаси ҳақидаги маълумот ёки “ноу-хау” ҳақидаги тижорат сир сақланади.

Лицензияли маҳсулотни сотилган қийматидан фоиз ҳисобида роялтини ҳисоблаш кенг тарқалгандир.

$$R_s = \frac{R}{S}$$

бу ерда:

R_s – соф сотув қийматдан фоиз, роялти.

R – роялтининг йиллик қиймати сумда

S – соф сотув қиймати.

II-БОБ. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ.

2.1. Тижорат хавф – хатари

Лицензия сотиб олувчининг қўшимча фойдаси қийматига қуйидагилар таъсир этади:

- ишлаб чиқариш хавф-хатари;
- тижорат хавф-хатари;
- альтернатив технология рақобати.

Лицензия сотиб олувчини корхонаси лицензияда ёки “ноу-хау” да режалаштирилган кўрсаткичларни мос равишда амалга оширмаганидан рўй берган ишлаб чиқариш хавф-хатари эҳтимоли янги технологияни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ.

Тижорат хавф-хатари - лицензия сотиб олувчи ҳар доим ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотни сота олади ва қўшимча фойда кўра олиши мумкин.

Халқаро лицензия ва “ноу-хау” сотуви базаси бўлиб, мамлакатнинг

патент фаолияти ҳисобланади. – технология экспортлари.

Ихтироларни патентлаштиришда саноати ривожланган мамлакатлар илдамчи рол ўйнайди.

Берилган патент учун буюртмалар ва топширилган патентлар сони бўйича Япония биринчи ўринда, АҚШ – иккинчи.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг технология бозори диққатга сазовор ҳисобланади.

Илмий-техникавий кашфиётларнинг сифат кўрсаткичлари уларнинг экспорт рақобатбардошлиги ҳисобланади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_k = \frac{N_{пэ}}{N_{зв}}$$

бу ерда $\mathcal{E}_k$ – экспортли рақобатбардошлик.

$N_{пэ}$ – хорижда патентга берилган буюртмалар сони.

$N_{зв}$ – мамлакат ичида патентга берилган буюртмалар сони.

Буюртмалар орасидаги фарқ мамлакатда илмий-техникавий ечимлар даражасининг пастлигидан далолат беради.

Илмий-техникавий кашфиётларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичи бўлиб уларнинг НИОКРни қанчалик қамраб олганлик даражаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, инновация фаолиятининг самарадорлиги техникавий кашфиётларнинг рақобатбардошлиги билан ҳам аниқланади.

2.2. Инновацион фаолиятнинг ички ва ташқи харажатлари

Инновация фаолияти ички ва ташқи харажатлар билан боғланган.

Ички харажатлар (жорий ва капитал) молия манбалари бўйича тарқатилади:

- ташкилотнинг хусусий маблағлари;
- бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;
- тадбиркорлик секторини ташкил этувчи маблағлар.

Ички жорий харажатлар тадқиқот ва ишлаб чиқишга тарқатилади.

Ишнинг турлари бўйича:

- фундаментал тадқиқотлар;
- амалий тадқиқотлар;

– ишлаб чиқишлар (разработки).

Фаолият сектори бўйича:

– давлат

– тадбиркорлик

– олий таълим сектори

– хусусий фойда кўрмайдиган сектор.

Инновация фаолияти харажатларининг самарадорлигини баҳолаш учун унинг натижаларини баҳолаш муаммосини ҳал қилиш зарур. Ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг инновация фаолиятлари харажатларининг самарадорлигини ажрата билиш керак.

“Харажатлар таркиби ҳақида низом” га мос равишда янги турдаги маҳсулотни серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришни тайёрлашга ва ўзлаштиришга ҳамда технологик жараёнларни, сарфланган харажатлар маҳсулотнинг таннархига кирмайди, улар бюджетдан ташқари фондлар тармоқлар ва тармоқлараро НИОКР ва янги маҳсулотни ўзлаштириш (бюджетдан ташқари фондларни молиялаштириш НИОКР) орқали молиялаштирилади. Тармоқлар ва тармоқлараро, бюджетдан ташқари НИОКР фондларини ташкил топиши ва қўлланиши ҳукумат ечимларига мос равишда аниқланилади.

Бюджетдан ташқари фондлар корхонанинг хоҳиши бўйича маҳсулот таннархидан 1.5% фоиз миқдорида ажратган маблағидан ташкил топади, бунда корхона ёки ташкилот қандай хусусийлик хусусийлик шаклида бўлишидан қатъий назар. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари янги илмий маҳсулотни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, қўлланилаётган технологияни мукмаллаштириш, маҳсулотни техник даражасини ошириш ва х.к. молиялаштиришга сарфланади. Бюджетдан ташқари фондлар қатъий назорат остида мақсад йўналиши бўйича ишлатилади ва 96 ҳисобга ёзилади. “Мақсадли молиялаш”

Ихтирочилик билан боғлиқ харажатлар ўзига қуйидагиларни киритади:

- тажриба-эксперимент ишларини ўтказишга сарфланган харажатлар;
- моделлар ва намуналарни тайёрлашга сарфланган харажатлар;
- маркетинг бўйича ташкил этилган тадбирларга (кўргазма, мусобақа ва х.к.) сарфланган харажатлар;
- авторлик мукофотларини тўлаш бўйича.

Янги техникани яратишга сарфланган харажатлар шу ишларнинг бошланиши ва тугалланиши муддатларига боғлиқдир. Шунинг учун НИОКР тугаган йилидан шу йилги харажатлар ўтган йилги харажатларни

ҳисобга олиб, умумий харажатлар ва янги техникани яратишга сарфланган харажатлар ҳисобга олинади.

Янги техникани яратилиши билан боғлиқ бўлган умумий харажатлар битта намуна бўйича ўртача миқдорда олинган харажатларни яратилган намуналар сонига кўпайтмасига тенг.

$$Z = \sum_{i=1}^n Z_i \times n_i$$

1-мисол.

Берилган: Битта намуна ишлаб чиқиш учун сарфланган ўртача миқдордаги харажатлар база йилида 2200 минг сумни, жорий йили 2160 минг сумни ташкил этади. Яратилган намуналар сони мос равишда 200 ва 250

$$Z = \sum Z_i \times n_i$$

$$Z_0 = 2200 \times 200 = 440000 \text{ минг сум}$$

$$Z_1 = 2160 \times 250 = 540000 \text{ минг сум}$$

Z_i – сифат кўрсаткичи, n_i - ҳажм кўрсаткичи.

Бу икки омил умумий харажатга намуна яратилишига қандай таъсир этганлигини аниқлаймиз.

Индекс таҳлили назариясига биноан сифатли кўрсаткичининг ўзгариши ҳажм кўрсаткичини ҳисоботдаги даражаси сақланган ҳолда кўрилади, ҳажм кўрсаткичини ўзгаришини эса сифат кўрсаткичи база йилидаги даражасида сақланган ҳолда кўрилади.

Бизнинг мисолда намуна ишлаб чиқиш харажатлари умумий индекси қуйидагича ҳисобланади.

$$I_3 = \frac{Z_1}{Z_0} \text{ ёки } I_3 = \frac{\sum_{i=1}^n Z_{i1} \times N_{i1}}{\sum_{i=1}^n Z_{i0} \times N_{i0}}$$

$$\Delta Z = Z_1 - Z_0 \text{ ёки } \Delta Z = \sum_{i=1}^n Z_{i1} \times N_{i1} - \sum_{i=1}^n Z_{i0} \times N_{i0}$$

$$\Delta Z = 540000 - 440000 = 100000 \text{ минг сум}$$

Яъни намуналарни яратишга сарфланган харажатлар 100000 минг сумга кўпайди.

Битта намуна яратишга сарфланган харажатлар ўртача қиймати 40 минг сўмга камайди. (сифат кўрсаткичи битта намуна учун олинади). Бу омилнинг таъсиридан умумий харажатлар қуйидагича ўзгарди.

$$I_{3i} = \frac{\sum_{i=1}^n 3i_1 \times Ni_1}{\sum_{i=1}^n 3i_0 \times Ni_1} \text{ (битта намуна учун харажат индекси)}$$

$$\Delta 3i = (\bar{3}i_1 - \bar{3}i_0) Ni_1$$

$$(2160-2200) \times 250 = -10000 \text{ минг Сум}$$

Яратилган намуналар сони 50 га кўпайди. (хажм ёки сон омили доимо йиғиндини беради)

Умумий харажатлар қуйидагича ўзгарди.

$$I_{ni} = \frac{\sum_{i=1}^n 3i_0 \times Ni_1}{\sum_{i=1}^n 3i_0 \times Ni_0} \text{ (яратилган намуналар сони индекси)}$$

$$\Delta Ni = 3_0 (Ni_1 - Ni_0)$$

$$\Delta Ni = 2200 \times (250 - 200) = 110000 \text{ минг сўм}$$

Бундан

$$I_3 = I_{3i} * I_{ni}$$

$$\Delta 3 = \Delta 3i + \Delta ni$$

Бизнинг мисолда намуна яратиш бўйича умумий харажатлар база йилига нисбатан 100000 минг сумга ошди. Лекин битта намуна яратишда эса харажатлар 40 минг сумга камайди, бу эса умумий харажатларни 10000 минг сумга камайтирди. Шу билан бирга намуналар сони 50 тага оширилса, умумий харажатлар 110 000 минг сумга ошди.

Умумий ўзгариш.

$$\Delta 3_i = (-10000) + 110000 = 100000 \text{ минг сўм}$$

Энди нима учун битта намуна ишлаб чиқариш харажатларининг ўртача қиймати ўзгарганлигини аниқлаймиз.

1-жадвал. Намунали ишлаб чиқариш учун харажатнинг ўртача қийматини ҳисоблаш, минг сум.

Намуна	Базавий		Жорий			
--------	---------	--	-------	--	--	--

лар	давр		давр			
	Ишлаб чиқарил ган намунал ар сони n_0	Намунал арни ишлаб чиқаришг а сарфланг ан умумий харажатл ар Z_0	Битта намуна ни ишлаб чиқари шга сарфлан ган харажат лар $Zi_0 = \frac{Z_0}{n_0}$	Ишлаб чиқарилга н намуналар нинг сони n_1	Намунал арни ишлаб чиқаришг а сарфланг ан умумий харажатл ар Z_1	Битта намуна ни ишлаб чиқари шга сарфлан ган харажат лар $Zi_1 = \frac{Z_1}{n_1}$
1	120	193 600	1613	200	351000	1755
2	80	246400	3080	50	189000	3780
Жами	200	440000	2200	250	540000	2160

Битта намунали ишлаб чиқариш ўртача харажат индекси

$$I \bar{Zi} = \frac{\bar{Zi}_1}{\bar{Zi}_0} = \frac{2160}{2200} = 0,98 \text{ ёки } 98\%$$

Бу ерда $\bar{Z}$ - ўртача умумий, яъни харажатлар 2% га камайди ёки 40 минг сумга.

Бу натижага конкрет намунани ишлаб чиқариш (Z_i) харажатлари ва i турдаги маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқарилган намуналар сонига нисбатан улуши таъсир этиши мумкин.

$$d_n = \frac{n_i}{\sum n}$$

Битта намунани ишлаб чиқариш бўйича сарфланган ўртача харажат ўзгаришига ишлаб чиқаришнинг ички омили ва структураси таъсир этади. Намуна ишлаб чиқаришга сарфланган ўртача харажатлар (Z_i) ни қуйидагича ифодалаймиз.

$$\bar{Zi} = \sum_{i=1}^n Zi \times di$$

Кейинги таҳлилларда (ўзгарувчан туркумнинг) тизимлар индексида фойдаланамиз.

$$Inc = \frac{\bar{z}i_1}{\bar{z}i_0} = \frac{\sum \bar{z}i_1 \times di_1}{\sum \bar{z}i_0 \times di_0} \text{ ўзгарувчан туркум бўйича}$$

Фиксирланган туркум бўйича ($I_{ф.с.} = \frac{\sum \bar{z}i_1 \times di_1}{\sum \bar{z}i_0 \times di_1}$) ва

структура силжишлари ($I_{с.т.р.} = \frac{\sum \bar{z}i_0 \times di_1}{\sum \bar{z}i_0 \times di_0}$)

1-жадвалдан фойдаланиб, ҳисобнинг натижаларини 2-жадвалга киритамиз.

2-жадвал. Намунани ишлаб чиқариш харажати индексини ҳисоблаш.

Нам у- нала р	Базавий давр		Жорий давр		Ҳисобий кўрсаткичлар		
	Битта намун ага ўртача хараж ат $\bar{z}i_0$	Умумий сонга нисбатан ишлаб чиқарилг ан намунала р улуши di_0	Битта намунаг а ўртача харажат z_n	Умумий сонга нисбатан ишлаб чиқарилг ан намунала р улуши di_1	$\bar{z}i_0 \times di_0$	$\bar{z}i_1 \times di_1$	$\bar{z}i_0 \times di_1$
1	1613	0,6	1755	0,8	968	1404	1290
2	3080	0,4	3780	0,2	1232	756	616
Жам и	2200	1,0	2160	1,0	2200	2160	1906

Бундан кўриш мумкинки, 2 ва 3 устунлар натижалари мос равишда 4-6 устунлар натижалари билан бир хил, яъни ўзгарувчан туркум индекси ҳисоби натижасида юқорида берилган усул ҳисобига мос келади.

Фиксирланган туркум индекси алоҳида намуналар бўйича харажатларнинг ўзгариши умумий ўртача харажат ўзгаришига таъсир этишини кўрсатади.

$$I_{ф.с.} = \frac{\sum \bar{z}i_1 \times di_1}{\sum \bar{z}i_0 \times di_1} = \frac{2160}{1906} = 1,133 \text{ ёки } 113,3\%$$

Битта намунани ишлаб чиқаришда харажатларнинг ўзгариши умумий ўртача харажатларни 254 минг сумга ошириб юборди. Лекин жорий даврда битта намунани ишлаб чиқаришга харажатлар ўсиб, намуналар улуши эса камайди.

Тайёрланган намуналар структурасини ўзгариши умумий ўртача харажат ўзгаришига қуйидагича таъсир этади.

$$I_{c.m.p.} = \frac{\sum_{i=1}^n 3i_0 \times di_1}{\sum_{i=1}^n 3i_0 \times di_0} \text{ ёки } I_{стр} = \frac{Inc}{I\phi\phi}$$

Бизнинг мисолда

$$I_{c.m.p.} = \frac{1906}{2200} = 0,866 \text{ ёки } 86,6\%$$

Бу шуни кўрсатадики, структура силжиши ҳисобига умумий ўртача харажатлар 294 минг сумга камайди. Шундай қилиб, битта намуна ишлаб чиқаришга умумий ўртача харажатнинг ўзгариши
 $(+254) + (-294) = -40$ минг сўм.

III-БОБ. ЯНГИ МАҲСУЛОТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ

3.1. Янги маҳсулотнинг мустаҳкамлик даражаси

Мустаҳкамлик – бу маҳсулотнинг унумдорлиги, самарадорлиги каби хусусиятларини аниқловчи асосий кўрсаткичларининг қаторида туради. Бу кўрсаткич маҳсулотга харидорнинг қизиқиши нуқтаи назаридан аниқланилади. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида техник даража ва сифатни бошқариш тизимининг асосий эътибори илмий ва конструкторлик ишланмалар стадияларидаги хатоликларни йўқотишга қаратилади, чунки маҳсулотни охириги ишлаб чиқариш стадиясига узатилгунига қадар бўлиши мумкин бўлган дефектларни олдини олиш ёки уларни тўғрилаш бўлгани учун керак. Бунинг учун қуйидаги шароитларни яратишга эътиборни қаратиш керак:

- мўлжалдаги маҳсулот даражасини ушлаб турувчи дастгоҳларнинг мавжудлигини таъминлаш;
- дастгоҳларни назорат, диагностика ва ишларни бошқариб турувчи микропроцессорли қурилмалар билан жиҳозлаш;
- дастгоҳни ахборотли, дастурли ишлар билан таъминлаш;
- иш режимини стабиллигини ушлаб туриш учун ишлаб чиқариш қуввати резервларининг мавжудлигини таъминлаш;
- самарали техник хизмат кўрсатиш ва тамирлашни йўлга қўйиш.

Бошланғич стадияларда дефектларни аниқлаш юқори техник

даражага ва юқори сифатли маҳсулотга эришишга олиб келади. Жаҳон техник даражасига малакали кадрларнинг мавжудлиги орқали эришилади. Япония тажрибаси шуни таъкидлайдики, мақсад сари йўналган ишларда яратилган машина ва дастгоҳларнинг техник даражасига, ишнинг сифатига нисбатан жавобгарликни сезиш бўйича тарбиялашда лидерликни эгаллаш фақатгина шу мамлакатнинг техник ҳолатга муносабати орқали эришилади. Бугунги кунда Япония жаҳонда энг катта маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини бошқариш ва уни қўллай билиш билимини эгаллаган ходимларга эгадир.

Жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири сертификация тизимини яратишдир. Жаҳон амалиётида сертификация кенг тарқалган. Масалан, Халқаро стандартизация бўйича ташкилот, халқаро электротехника хайяти, Европа иқтисодий хайяти ва бошқалар.

Сертификация – бу ташқи томондан маҳсулотнинг меъёрий-техник ҳужжатлардаги талабларга мос келишини текшириш ва тасдиқлаш ҳаракатларининг мажмуидир. Маҳсулотда обрўли ташкилот томонидан берилган сертификатнинг (ҳужжатнинг) бўлиши, ташқи битимларни тузиш ва у билан жаҳон бозорига чиқишни осонлаштиради.

Бозор иқтисодиётидаги кўпгина мамлакатлар стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларини ички бозорга олиб чиқмайдилар. Маҳсулот намунавий синовлар ва сифати бўйича давлат назоратидан ўтказилади, унга ишлаб чиқаришнинг шартига асосан баҳо белгиланади ва сертификация ва яна ишлаб чиқариш аттестацияси берилади.

Жаҳон техник даражасига мос келган янги маҳсулотнинг баҳоси ўзига тўртта асосий босқични киритади:

- баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичларнинг номенклатурасини (сонини) аниқлаш;
- ўхшаш гуруҳларни шакллантириш ва уларнинг кўрсаткичлари қийматини белгилаш;
- ўхшаш гуруҳлардан база намуналарини ажратиб олиш;
- баҳоланадиган намунани база намуналари билан таққослаш.

3.2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни баҳолаш

Номенклатура бир турдаги маҳсулотнинг турли хил намуналарини солиштириш учун керак. Улар халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Номенклатура баҳолаш кўрсаткичларидан ташқари классификация кўрсаткичларини ўз ичига олади (ушбу маҳсулотнинг қўлланиш соҳаси ва тавсияси). Классификацион кўрсаткичларга

маҳсулотнинг параметрлари (двигателнинг қуввати, юк кўтара олиши ва х.к.), қўшимча қурилмаларнинг мавжудлиги ёки маҳсулот хусусияти бўйича (масалан, товушли сигнал берадиган холодильник) маҳсулотнинг фойдаланиш соҳасини аниқлайдиган кўрсаткичлар; харидорлар гуруҳини аниқлайдиган кўрсаткичлар ва х.к.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни баҳолашда ўхшашлар гуруҳига келажакли ва экспериментал намуналар киради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни баҳолашда ушбу гуруҳга жаҳон бозорида сотиладиган намуналар киради.

Келажакли намуналар кўрсаткичлари қийматини башоратлаш учун:

- кўрсаткичлар қийматининг ўзгариши таҳлил қилинади;
- ушбу маҳсулотнинг кўрсаткичларини яхшилаш учун йўналтирилган келажакли техник ечимнинг амалга ошиши муддатини баҳолаш ва патент тадқиқотлари.

Базали гуруҳлар шаклланидиган сўнг баҳоланадиган маҳсулот билан қўшалоклаб солиштирилади. Солиштириш натижалари қуйидагича бўлиши мумкин:

- баҳоланадиган маҳсулот базали намунага йўл беради, агар у битта кўрсаткич билан бўлса ҳам устун келса;
- баҳоланадиган маҳсулот базали намуна билан тенг қийматли, агар уларнинг кўрсаткичлари бир-бирига мос тушса;
- маҳсулот ҳар бир база намунасидан устун бўлса, у ҳолда у жаҳон даражасидан ўзиб кетган бўлади.

3.3. Янги маҳсулотни сифатини назорат қилиш кўрсаткичлари.

Серияли ишлаб чиқариш стадиясида машина ва дастгоҳларнинг техник даражаси сертификацияни назорат қилишни тақозо этади. Сертификация кўрсаткичи халқаро тан олишнинг индикатори ҳисобланади. Янги маҳсулотни баҳолашда қуйидаги ўзаро боғланишни ҳисобга олиш керак:



Статистик назария иккита асосий назорат услубини беради: дискрет ва узлуксиз.

Маҳсулотни дискрет услубида текшириш партияни қабул қилишда ва ишлаб чиқаришдан чиқишида содир бўлади. Узлуксиз назоратда эса

ишлаб чиқариш жараёнининг натижалари доимо текширилиб турилади.

Ишлаб чиқарувчи янги техниканинг сифатини ишлаб чиқаришнинг ҳамма стадияларида назорат қилиб беради. Истеъмолчи томонидан сотиб олинган янги техниканинг сифати унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати орқали баҳоланади. Сифатни назорат қилиш учун “кичик танлов” ўтказилади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, ишлаб чиқарилган тўпладан кичик сонда “n” маҳсулот танлаб олинади (танланган кичик тўплам 20 дан ошмаслиги керак). Ҳар бир танланган учун ўртача танлов ($\tilde{x}$) ёки улуш w ва танлов дисперсияси (σ^2) ни ҳисоблаймиз

$$\tilde{x} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{n};$$

$$\sigma^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \tilde{x})^2}{n-1};$$

$$W = \frac{m}{n}, \quad (m - \text{дефектлар сони}).$$

$$\sigma_w^2 = \frac{W(1-W)}{n-1}$$

(n-1) катталиги дисперсия учун даража сони дейилади. Бу вариантлар сони.

Генерал соннинг дисперсияси кичик тўплам дисперсиялари орқали (σ^2) ҳисобланади. Баҳолаш учун эса Стьюдент (t - критерия) дан фойдаланилади. Стьюдентни тарқатиш жадвалидан ҳар бир n нинг қиймати учун t – функция бор ва унинг тарқатилиши. Кичик тўплам учун ўртача ва чегаравий хатолик қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$\mu_{\kappa.m.} = \frac{\sigma}{\sqrt{n-1}};$$

бу ерда $\sigma = \sqrt{\sigma^2}$

$$\Delta = t\mu_{\kappa.m.}$$

t – меъёрланган силжишлар.

Мисол. Янги дастгоҳ орқали ишлаб чиқарилган 100 та маҳсулотдан 10 та маҳсулот танлаб олинди. Танлаб олинганда 2 та дефект топилди. Танланганлар учун дефект улуши $w = 0.2$ га тенг. Энди дисперсияни танланган тўплам учун ҳисоблаймиз.

$$\sigma^2 = W(1-W) = 0,2 \cdot 0,8 = 0,16$$

ўртача квадрат силжиш $\sqrt{\sigma^2} = 0,4$.

У ҳолда кичик танловдаги ўртача хатолик

$$\mu_{\kappa.m.} = \frac{0,4}{\sqrt{10-1}} = 0,133$$

Генерал тўпламдаги дефектлар улуши эса

$$W - \mu_{\kappa.m.} \leq p \leq W + \mu_{\kappa.m.}$$

ёки

$$p = 0,2 \pm 0,133$$

у ҳолда

$$t_{\phi} = \frac{W - P}{\mu_{\kappa.m.}} = \frac{0,167}{0,133} = 1,25$$

Стьюдентнинг тарқатилиши жадвалидан (жадвал математик статистика бўйича нашриётда бор) янги дастгоҳда ишлаб чиқарилган дефектли маҳсулотлар эҳтимоли $S(t) = 0,858$ экан.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инновацион жараёнларни бозорга янгилик киритилишини реализация қилиш йўли билан жамият талабларини қондиришга йўналтирилган илмий-технологик, ишлаб чиқариш, маркетинг жараёнининг ҳамма жабҳаларига кириб боровчи жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Янги инновацион жараён – бу жамиятнинг янада замонавий талабларини қондириш ва илмий – техника янгилиги бор бўлган маҳсулот ва технологияларни яратиш, тарқатиш ва тадбиқ қилиш жараёнидир.

Ҳозирги вақтда бутун дунё интеграция ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви кузатилмоқда, турли давлатлар ўртасида иқтисодий иттифоқлар шакллантирилмоқда. Булардан кузатилган асосий мақсад товарлар, хизматлар ва капиталнинг халқаро миқёсда эркин

ҳаракатланишини таъминлашдан иборатдир.

“Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилиш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”².

Бозор иқтисодиётидаги кўпгина мамлакатлар стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ички бозорга олиб чиқмайдилар. Маҳсулот намунавий синовлар ва сифати бўйича давлат назоратидан ўтказилади, унга ишлаб чиқаришнинг шартига асосан баҳо белгиланади ва сертификация ва яна ишлаб чиқариш аттестацияси берилади.

Инновация фаолиятининг натижасида инновация маҳсулоти, яъни аниқ бир буюм ёки бирор бир янгилик (буюм кўринишига эга бўлмаган) вужудга келар экан (“нау-хау”) янгиликни жорий этганлар авторлик ёки шунга ўхшаш ҳуқуққа эга бўлишади.

Мустаҳкамлик – бу маҳсулотнинг унумдорлиги, самарадорлиги каби хусусиятларини аниқловчи асосий кўрсаткичларининг қаторида туради. Бу кўрсаткич маҳсулотга харидорнинг қизиқиши нуқтаи назаридан аниқланилади. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида техник даража ва сифатни бошқариш тизимининг асосий эътибори илмий ва конструкторлик ишланмалар стадияларидаги хатоликларни йўқотишга қаратилади, чунки маҳсулотни охириги ишлаб чиқариш стадиясига узатилгунига қадар бўлиши мумкин бўлган дефектларни олдини олиш ёки уларни тўғрилаш бўлгани учун керак. Бунинг учун қуйидаги шароитларни яратишга эътиборни қаратиш керак:

- мўлжалдаги маҳсулот даражасини ушлаб турувчи дастгоҳларнинг мавжудлигини таъминлаш;
- дастгоҳларни назорат, диагностика ва ишларни бошқариб турувчи микропроцессорли қурилмалар билан жиҳозлаш;
- дастгоҳни ахборотли, дастурли ишлар билан таъминлаш;
- иш режимини стабиллигини ушлаб туриш учун ишлаб чиқариш қуввати резервларининг мавжудлигини таъминлаш;
- самарали техник хизмат кўрсатиш ва тамирлашни йўлга қўйиш.

²И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18.01.2014 йил.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2002.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997.
3. И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 18.01.2014 й.
4. Махкамова М.А. Инновация менежменти услубий қўлланма. Т., ТошДТУ. 2002. 90 бет.

5. Уткин Э.А. Инновационный менеджмент. М. Дело 2002.
6. Фатхудинов Р.А. Инновационный менеджмент. М. Бизнес школа, Интелсинтед, 2000.
7. Фахрутдинов В.А. Инновационный менеджмент. М. Радуга, 2003.
8. Фатхудинов Р.А. Производственный менеджмент. Учебник. М. Бизнес школа, 2005.
9. Дадобоев Ю.Т., Хамидов М.Х., Усманова М. Инновационный менеджмент. Учебное пособие. Кувасайский учебный научно-производственный центр предпринимательства. Ферганский научный центр. Кувасай. 2000.
10. С.С.Ғуломов ва бошқ. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили. Т., ТДАУ 1997.
11. А.С.Жураев ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. Т., “Шарқ” 2003. – 256 б.

